2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

44 (594)

2007 йил 31 октябрь

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Шредернинг набираси ҳам шу ерда!
- Томни нега тешдингиз, қўшни?

3
- Дарди борга далда бўлайлик!
- Йўлда ётган ҳамён — лақма учун зўр қопқон!

4
- Зомин заминида япон дарахти ҳам гуллайди!
- Кошо Сайдам водийсидаги битиктош сири...

Олий Мажлис Конунчилик палатасида

КОНВЕНЦИЯ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур қўмита раиси А.Саидов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқарма ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишда номи зикр этилган Конвенциянинг ижросига оид ишларнинг барчаси давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва изчил жорий этилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида амалга оширилаётганлиги ўзининг ижобий самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Ҳозир мамлакатимизда салкам 10 мингга яқин мактаб фаолият юритмоқда. Ушбу умумтаълим муассасаларида 450 мингдан зиёд педагог 5,5 миллион нафарга яқин болага таълим-тарбия бермоқда.

Вазирлик тизимида болаларга таълим бериш сифатини янада юксак поғонага кўтариш, уларнинг таълим олиш борасидаги ҳуқуқини тўла таъминлаш, соғлом авлодни камол топтириш учун қулай шарт-шароит яратилган. Ҳар бир боланинг таълимдан баҳраманд бўлиши таъминланмоқда. Болалар таълим олиши ва касб-ҳунар ўрганиши учун кенг имконият яратилган.

Давлат таълими андозалари, ўқув методик база, янги дарсликлар барча мактабларга етказиб берилмоқда ва улар муттасил такомиллаштирилмоқда. Кўплаб ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланган замонавий таълим муассасалари фойдаланишга топширилаётир.

Мажлисда бу борадаги мавжуд айрим камчилик ва муаммоларга эътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш йўллари юзасидан тавсиялар берилди.

/ЎзА/

— Яна нима дейсиз?
— Ўзбек полвонининг курагини ерга теккизадиган зўрни топиш қийин.

Қарор ва ижро

САРАЛАР САФГА ОЛИНДИ

Жиззах вилояти

Президентимизнинг жорий йил 29 августдаги "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш борасида жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Жиззах вилояти Мудофаа ишлари бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига қабул қилинган йигитларни ҳарбий хизматга кузатув маросими бўлиб ўтди. Тантанали равишда ўтказилган мазкур маросимда вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган ўғлонларнинг ота-оналари иштирок этишди.

— Мана, бугун тенгдошларим қатори мен ҳам Ватаним олдида ўз йигитлик бурчимни ўташга кетяпман, — дейди Одилжон Жўрақулов. — Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, келажакда ҳарбий зобит бўлиб хизматни давом эттириш ниятидаман.

Тадбир сўнгида вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлимининг танлов бўйича катта ёрдамчиси, капитан Абдураҳмон Номозов муддатли ҳарбий хизматга чақириш ишлари юзасидан қуйидаги маълумотларни берди:

— Жорий йилнинг ушбу мавсумида Президентимиз Қарори асосида вилоятимиздан жами 750 нафардан ортиқ ёшлар муддатли ҳарбий хизматга, 1650 нафар йигит эса сафарбарлик чақирув хизматига чақирилди. Айни пайтда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган йигитларимиз соғ-саломат уйларига қайтиб келишди. Уларнинг олий ўқув юртларига қабул қилиниши учун имтиёзли йўлланмалар бериш ва ишга жойлаштириш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда.

Абдували ҚАРШИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент вилояти

Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида тиббий кўрик ва синовлардан муваффақиятли ўтган чақирув ёшидаги йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими тантанали равишда ўтди. Ушбу тадбирда мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, "Камолот" ЁИҲ вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар иштирок этди.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Истиқлол самараси

Қашқадарё вилояти

Тоғли Деҳқонобод туманида калийли ўғит ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод барпо этишга киришилди. Россия Федерацияси, Хитойнинг "CITIC" компанияси билан ҳамкорликда яратиладиган бу завод йилига 200 минг тонна импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

ЯНГИ ЗАВОД – ЯНГИ ИМКОНИЯТ

калийли ўғит ишлаб чиқаришга ихтисослашадиган мазкур корхона 2009 йилнинг иккинчи ярмидан иш бошлайди

Тепақўтон калий тузлари конини ўзлаштириш ҳамда унинг негизида калийли ўғитлар заводини барпо этиш бўйича йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Мазкур лойиҳа 2007-2011 йиллар мобайнида кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилади.

Заводнинг бир қисми — кондаги қазиб чиқариш мажмуини Россия Федерациясининг Ғарбий Урал машинасозлик концерни бунёд этади ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлайли. Хомашёни қайта ишлаш мажмуаси қурилишини Хитойнинг "CITIC" компанияси амалга оширади. Хомашёни етказиб бериш тизимини жорий этиш эса маҳаллий компаниялар зиммасида бўлади.

Режага кўра, корхонанинг қурилиши 2009 йилнинг иккинчи ярмида якунланиб, заводда импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарила бошланади.

Э.ҚУРБОНОВ

Сурхондарё вилояти

ШЕРОБОДДА ҚЎШМА КОРХОНА

Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ҳамкорлиги натижасида ишга туширилди

Маълумки, Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Яқинда ана шу ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, Шеробод туманида пахта ёғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Агрохизмат—Шингдонг" қўшма корхонаси қад ростлади.

Қўшма корхона белгиланган муддатдан беш ой илгари ишга туширилди. Натижада бир кеча-кундузда олтмиш тонна хомашёни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ускуналар ёрдамида пахта ёғини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ускуна Жанубий Кореянинг "Шингдонг Эперконгинг" компанияси томонидан етказиб берилди. Ҳозирда хориждан келтирилган ушбу юқори қувватли ускуналарни 80 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари бошқармоқда.

— Лойиҳада корхона фаолиятини янада кенгайтириш, қувватини мунтазам ошириб бориш кўзда тутилган, — дейди кореялик ҳамкор Кин Ен. — Ҳозир бир йилда 18 минг тонна чигит қайта ишланса, яқин икки йилда бу кўрсаткич тўрт баробарга ошади. Ишчилар сони эса икки юз нафар кишига етади.

Вилоятда барпо этилган мазкур қўшма корхонанинг тўла қувватда ишлаши халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, ёғ-мойга бўлган кундалик эҳтиёжини тўлароқ қондиришга хизмат қилади.

МУХБИРИМИЗ

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМ

27-28 октябрь кунлари Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида бўлиб ўтган миллий спортимиз — кураш бўйича VI жаҳон чемпионати мусобақаларида иштирок этган ҳамюртларимиз катта ғалабаларни қўлга киритиб, она юртга ёруғ юз билан қайтдилар. Хориждаги халқаро мусобақада ўзбек миллий кураши ва ўзбек спортчилари довруғини яна бир бор дунёга таратишга эришган, хусусан, олтита олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритган полвонларимизни кеча Тошкент аэропортида спорт мухлислари ва жамоатчилик қувонч билан қарши олди.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Хоразм вилояти

"Футболимиз келажаги" турнири якуни

ҒОЛИБ – СОБИР АРҚОНЧИ

Анъанавий "Футболимиз келажаги" республика турнирининг 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги якуний босқич беллашувлари Хива шаҳридаги марказий ўйингоҳда бўлиб ўтди.

Кескин курашлар остида кечган ўйинларда мезбонларнинг Собир арқончи маҳалласи жамоаси ғолибликни қўлга киритиб, мусобақанинг бош совринига эга бўлди. Самарқанд вилоятидан келган ёш тўпсуррлар иккинчи ҳамда Жиззах вилояти ўсмир футболчилари учинчи ўринни эгаллади.

Ғолибларга диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топшириш тадбирида Хива тумани ҳокими Д.Аллақулиев, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Р.Қутлимуродов, шунингдек, бошқа мутасаддилар иштирок этиб, турнир қатнашчиларини муборакбод этишди.

А.САФОЕВ

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат солиқ қўмитаси масъул ходимлари иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлди.

Унда диний экстремистик ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тайёрлаш ва тарқатиш, талончилик, босқинчилик ва гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар, одамлардан фойдаланиш учун қонунга хилоф равишда уларни ёллаш, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси ҳамда жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарорларнинг қонунийлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда диний экстремистик, ақидапарастлик материалларини тайёрлаш, тарқатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларига алоҳида тўхталиниб, уларнинг олдини олишга қаратилган кескин чора-тадбирлар кўриш, бу борада идоравий ва прокурорлик назоратини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида терговтезкор ҳаракатларининг самарадорлигини ошириш, терговни асоссиз тўхтатиш ҳолларига чек қўйиш, қидирувдаги шахсларни ушлашда қонунда белгиланган ваколатлардан самарали фойдаланишга қаратилган тадбирларни янада кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилинишича, йиғилишда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик фаолият жараёнида йўл қўйилаётган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилган. Жойларда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг бу борадаги ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилмаганлиги қаттиқ танқид остига олиниб, мутасадди идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришнинг кескин чораларини кўриш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилишда талончилик, босқинчилик ва гуруҳлар томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олиш юзасидан амалга оширилган ишлар билан бирга соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, хусусан, бу тоифа жиноятларни фош этишга қаратилган тезкор-қидирув ишларини жадаллаштириш, суриштирув ва тергов самарадорлигини ошириш ҳамда жиноят оқибатида етказилган зарарнинг тўлиқ ундирилишини таъминлашга қаратилган кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан прокуратура ва ички ишлар органлари мазкур соҳалар учун масъул раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва қайд этилган соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ЭКОЛОГИЯ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

Пойтахтимизда Марказий Осиё минтақасида экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга бағишланган халқаро конференция бошланди.

Тадбир Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг иқтисодий ва атроф-муҳитга оид фаолиятни мувофиқлаштирувчи бўлими томонидан ташкил этилди. Унда йигирмага яқин давлатдан олимлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этаётир.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоилов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби, аграр тармоқда ҳам изчил давом эттирилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Чорвачилик, деҳқончилик ва тайёрланган мева-сабзавот, узум каби маҳсулотларни қайта ишлаш борасида улкан ютуқларга эришилмоқда. Соҳага илғор технологияларнинг кенг жалб этилаётгани атроф-муҳит мусаффолиги ва экологик мувозанатни изчил таъминлаш имконини бермоқда. Жумладан, томчилатиб суғориш усули яхши самара бераётир. Бунда сарфланадиган сув миқдори боғларда 50 фоиз, пахта ва ғалла учун 35-40 фоиз камаяди. Ҳосилдорлик эса 30-35 фоизгача ошади.

Бироқ, тоталитар тузум даврида нотўғри юритилган хўжалик фаолияти оқибатида айрим ҳудудларда сизот сувларининг кўтарилиши ва ерларнинг турли даражада шўрланиши содир бўлди. Шу боис сув ресурсларини тежайдиган технологияларни янада такомиллаштириш ва улардан фойдаланишни кенг оммалаштириш зарур.

Анжуманда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада яхшилашга қаратилган илғор технологияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш жараёнида яхлитликни таъминлаш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид мавзуларда маърузалар тингланади, ўзаро фикр алмашилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йил учун обуна бошланди.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Тошкент вилояти

Бор бўлсин хомиалар!

«НОДИРАБЕГИМ» – ҲОМИЙ

Бекобод тумани марказида жойлашган Бўстон маҳалласида сўнгги пайтларда ободонлаштириш ишларига катта аҳамият қаратиляпти. "Ободлик кўнгилдан бошланади" деган ақидага амал қилган ҳолда ҳар бир оила ўз уйи, кўчаси, маҳалласининг саранжом-саришталигини таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, маҳаллада Мустақиллик кўчасидан то қабристонгача бўлган ҳудуд тартибга келтирилди, ариқ-зовурлар тозаланиб, дарахтлар оқланди. "Бекободсувоқава" корхонасининг ёрдами билан 300 метр масофага сув қувурлари ётқизилди. Бу эзгу иш натижасида Абдулла Қодирий ва Ибн Сино номли кўчаларда истиқомат қиладиган 72 та хонадон аҳли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Айни кунларда маҳаллада Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам бир қатор амалий ишлар қилинаётир. Моддий ёрдам сўраб мурожаат этаётган ёш оилаларнинг аризаси имкон қадар ижобий ҳал этиляпти. Бу борада маҳалладаги тадбиркор ва фермерларнинг ҳам мадади катта.

Яқинда Тўлқин Абдуллаевнинг никоҳ тўйида маҳалла аҳли бир ёқадан бош чиқариб, беминнат ёрдам берди. Жумладан, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳамда "Нодирабегим" корхонаси томонидан моддий ёрдам ажратилди. Бундан ташқари, қуни-қўшнилар, маҳалла-кўй ҳам қараб турмади. Ҳудуддаги ибратли тадбирларнинг амалга оширилишида "Бекобод қурувчи" хусусий фирмаси раҳбари Хидир Эрназаров, тадбиркорлардан Абдураҳим Воҳидов ва Абдужаббор Мажидовларнинг беғараз ёрдамлари таҳсинга сазовор.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

Ер билан тиллашганлар

Шредер номли узумчилик ва боғдорчилик илмий-тадқиқот институти юртимизда етиштириладиган мева ва узум навларининг турли касалликларга чидамли турларини тадқиқ қилишда энг илғор муассасалардан бири ҳисобланади. Энг аҳамиятлиси, бу ерда таниқли олим Рихард Шредернинг набираси Елена Шредер (суратда) бобосининг ишини давом эттирмоқда. Айни пайтда у ҳамкасблари билан бирга узум ва бошқа меваларнинг янги турларини кашф этиш борасида тинимсиз изланишда.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

Амударёлик Ерлепес ота Бобониёзов саксон ёшни қарши олган бўлса-да, ҳамон йигитлардек тетик, чаққон. Тиниб-тинчимас бу отахонни Амударё туманида кўпчилик ҳурмат билан "оқсоқол фермер" деб атайди. Ерлепес ота чорвачилик борасида олтмиш йиллик тажрибага эга. Узоқ йиллар хўжаликда турли вазифаларда ишлади. Нафақа ёшига етганидан кейин ҳам уйда қўл қовуштириб ўтиришни ўзига эп кўрмади.

ЕРЛЕПЕС отанинг ШИЖОАТИ

У 83 ёшида илғор фермерлар сафида

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати эндигина қанот ёя бошлаган пайтларда Оролбўйида биринчилар қатори фермер хўжалигини ташкил этди. У раҳбарлик қилиб келаётган "Ерлепес" фермер хўжалиги ҳар йили деҳқончилик ва чорвачиликда юқори натижаларга эришмоқда.

Ерлепес бобо фермерликни бошлаганидан буён асосий эътиборни чорва туёғини оширишга, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга қаратиб келяпти. Ҳар йили топилган даромадни фермер хўжалигини ривожлантиришга сарфлайди. Бугунги кунда саккизта трактор фермернинг оғирини енгил, узоғини яқин қиляпти.

Фермер хўжалигида айни чоғда 83 бош қорамол парваришланмоқда. Шундан 74 боши соғин сигирлардир. Фермер хўжалиги аъзолари шаҳардаги болалар боғчалари ва шифохоналарни сут билан таъминлаб турибди.

— Пахтачиликда ҳам яхши кўрсаткичларга эришяпмиз, — дейди Ерлепес ота. — Жорий йилда 10 гектардан зиёд майдонга чигит қадаб, мўл ҳосил етиштирдик. Давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режасини бажариб, эл хирмонига ўз ҳиссамизни қўшдик. Юртбошимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари деҳқонларига йўллаган табриги бизни янада руҳлантириб юборди.

Эшик қоқиб келаётган қиш мавсуми чорвадорлар учун муҳим синов палласидир. Кузнинг илиқ кунларида қўралар, молхоналар таъмирланиб, зарур миқдордаги озуқа захираси ғамлаб қўйилди.

Амударё туманида чорвачилик йўналишидаги бундай илғор фермер хўжаликлари кўпчиликни ташкил этади. Уларга чорва озуқаси учун 1 минг 332 гектар экин майдони ажратиб берилган. Айни пайтда бу хўжаликларда 33 минг 415 бош қорамол боқилмоқда.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.

Хоразм вилояти

Давра суҳбати

ИСТИҚЛОЛ — ЭЛГА ЭРК, ЮРТГА КЎРК БЕРДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисида қилган маърузаси жойларда кенг муҳокама қилинмоқда. Яқинда вилоятда ҳам турли соҳа вакиллари иштирокида мазкур маърузага бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

— Бугунги кунга келиб, ўзини ўзи бошқариш органлари юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигини таъминлайдиган асосий тизимга айланди. Шу боисдан ҳам мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ давлатимиз томонидан тизим фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди, — дея давра суҳбатини бошлаб берди "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими раиси Рустам Қутлимуродов.

— Истиқлол йилларида Юртбошимиз томонидан қабул қилинган барча фармон ва қарорларда халқимизнинг орзу-истаклари акс этганлигига Президентимиз маърузасини тинглаб яна бир бор амин бўлдик, — деди вилоят Марказий банки бошқаруви раиси Рашид Жуманиёзов. — Бугун ишлайман дея изланган кишига барча имкониятлар топилади. Айни пайтда вилоятнинг ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш тизимларида 28 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб бормоқда. Вилоятда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун 14 миллиард сўм кредит ажратилган. Шунингдек, "2007-2010 йилларда аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш" ҳудудий дастури ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунда ходимларимиз ана шу дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш йўлида барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишмоқда.

— Истиқлол йилларида хусусий тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, биз ҳам банкдан кредит олиб, Хитойдан ғишт ишлаб чиқарадиган ускуна келтирдик ва маҳалламиз ҳудудида минизавод ташкил қилдик, — деди "Шовот-Дилшод" хусусий корхонаси ижрочи директори Қори Машарипов. — Айни пайтда заводимизда бир кеча-кундузда 30 минг дона ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотимизга кўплаб буюртмалар тушяпти. Энг муҳими, мазкур заводнинг ишга туширилиши 60 нафар маҳалладошимизни доимий иш билан таъминлади. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтиришни режалаштирганмиз.

— Мустақиллигимизнинг ўтган ўн олти йили давомида деҳқонларимизнинг дунёқараши, фикрлаши, меҳнатга бўлган муносабати кескин ўзгарди. Энг асосийси, ер ўз эгасини топди. Фақат пахтадан эмас, ғалладан ҳам юқори ҳосил етиштиряпмиз, — деди янгиариқлик фермер Олланазар Оллаберганов. — Хўжаликлар қошида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ишга тушириляпти. Бу ўз навбатида фермернинг қўшимча даромад топишига ва янги иш ўринлари очилишига имкон яратмоқда. Жорий йилда хўжалигимизга қарашли 96 гектар ернинг 30 гектарига дон экиб, 81 тонна буғдой етиштиришга эришдик. Пахта ҳосилининг кўрсаткичи ҳам яхши. Олинган даромад ҳисобидан яна битта трактор сотиб олмоқчимиз. Шунингдек, мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган завод қуриш ниятимиз ҳам бор.

— Истиқлол юртимиздаги ҳар бир оилага катта имкониятлар эшигини очиб берди, — деди Хива шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси Гулсара Солаева. — 1998 йилнинг мамлакатимизда "Оила йили" деб номлангани, бу борада махсус давлат дастури ишлаб чиқилгани фикримиз исботи. Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эса ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг яна бир ифодаси бўлди. Ҳозиргача биргина Хива туманида 37 та ёш оила бу имкониятдан баҳраманд бўлиб, турмуш шароитини яхшилаб олди.

Давра суҳбати давомида иштирокчилар истиқлол йилларида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар билан бирга ҳали олдинда турган вазифалар ҳақида ҳам атрофлича тўхталдилар.

Абдулла САФОЕВ ёзиб олди.

Самарқанд вилояти

Фармон ва ижро

Президентимизнинг шу йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатадиган "Сам Экстрамед Сервис" маркази иш бошлади.

ЯНГИ МАРКАЗДАН МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ

Марказда 27 нафар киши доимий иш билан таъминланган бўлиб, юқори малакали шифокор ва ҳамширалар вилоят бўйича тушган чақириқларга кўра, иккита замонавий, махсус жиҳозланган тез тиббий ёрдам автомашиналари ёрдамида туну кун аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатишади. Марказ фаолиятининг дастлабки ойида вилоят ва Самарқанд шаҳри бўйича жами 45 та чақириқ асосида беморларга ўз уйларида малакали тиббий хизмат кўрсатилган ва зарур ҳолларда улар тегишли шифо масканларига етказилган. Ҳар бир тиббий ёрдам гуруҳида икки нафар врач ва битта ҳамшира бўлиб, ўзларида мавжуд 73 турдаги дори-дармон ва тиббий воситалар билан беморларга биринчи ёрдамни кўрсатишяпти. Бундан ташқари, марказда аҳолининг шифокор кўригидан ўтиши учун ҳам барча шароитлар яратилган.

Рустам ҲАЙИТОВ, "Mahalla" мухбири.

Замонавий қулайлик

Бир дўконда етмиш дўкон

Бойсунда иш бошлаган замонавий супермаркетда 200 нафардан зиёд тадбиркор фаолият кўрсатяпти

Тумандаги бобрў одамлардан бири, зироатшунос Парда Холиқовнинг орзу-ҳаваслари бисёр эди. Отахоннинг бир гурунгда айтган қуйидаги сўзлари ҳамон ёдимда:

— Тошкент жуда ўзгариб кетибди-да. Бир-биридан салобатли, кўркам иморатларни, савдо марказларини айтмайсизми? Мана, кўрасиз, ҳали Бойсунда ҳам шундай иморатлар қад кўтаради. Истиқлолга етказганига шукр.

Парда ака, айниқса, хусусий мулкдорлар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўлқинланиб гапирарди, уларга хайрихоҳ эди. Ўшанда орадан йиллар ўтиб ўғли Мажид Холиқов ҳам худди отахон орзусидагидек замонавий савдо маркази, яъни супермаркет бунёд этишини у хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Туман марказида иш бошлаган супермаркет биноси бир пайтлар савдо ишлаб чиқариш корхонасига тегишли эди. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга дош бера олмаган корхона инқирозга учраб, мол-мулки сотувга қўйилди. Тадбиркор Мажид Холиқов бинони хусусийлаштириб олгач, уни тубдан қайта таъмирлади. Айни пайтда мазкур савдо марказидан ўрин олган 70 дан ортиқ савдо дўконида 200 дан зиёд тадбиркор фаолият юритяпти. Бинонинг биринчи қаватида чойхона, ошхона ва савдо расталари жойлашган. Шунингдек, бу ерда хўл ва қуруқ мевалар, қўкатлар, қандолат маҳсулотларини сотиш ҳам йўлга қўйилган. Энг муҳими, савдо марказида мижозлар учун барча қулайликлар яратилган.

Яқинда тиниб-тинчимас тадбиркор Газа маҳалласидаги банкротлик ҳолатига тушиб қолган 110-сонли автокорхонани ҳам хусусийлаштириб олди.

— Бундан кўзлаган асосий мақсадимиз аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш ва фаолиятимизни янада кенгайтиришдир, — дейди Мажид Холиқов. — Ишни йўловчилар учун барча қулайликларга эга бўлган шоҳбекат қуриш, тежамли автоуловларни кўпайтиришдан бошламоқчимиз. Ҳозир шоҳбекат қурилишини ниҳоясига етказиш арафасидамиз. Отам Парда Холиқов қадимий Бойсунда ҳам кўркам иморатлар қад кўтаришини орзу қилардилар. Уларнинг орзулари рўёбга чиқаётганидан, қолаверса, юртимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётганимдан хурсандман.

Омон ШУКУРОВ, "Mahalla" мухбири.

Сўранг, жавоб берамиз!

Маҳалладан чиққан қиз ЧИҒИРИҚДАН ТАШҚАРИ ЭМАС!

ёки бир маҳаллада рўйхатда турса-да, бошқасида истиқомат қилаётган шахсларга нафақа тайинланиши борасида

Маълумки, оилада фарзанд туғилганда бола парвариши билан банд, ишламаётган онага фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар тўланадиган, давлат томонидан белгиланган нафақа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилади. Ушбу нафақанинг тўланишига оид тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ва Халқ банкининг 2002 йил 8 февралдаги 11/501, 32, 16, 8-сонли қарори билан тасдиқланган "Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомда белгиланган. Юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларида бу турдаги нафақаларни тайинлашда ушбу Низомга асосланилади.

Шунга қарамай, таҳририятимизга жойлардаги фуқаролар йиғинлари мутасаддиларидан жуда кўплаб мактублар келмоқдаки, уларда бир йиғинда рўйхатда турган ҳолда, аслида бошқа ҳудудда истиқомат қилаётган оналарга нафақа тайинланиши борасида тушунтириш беришимиз сўралган. Хусусан, бу мурожаатлардан бирида шундай дейилади: "...Маҳалламизда яшаб келган, рўйхатда турган қизлар қўшни маҳалла, қишлоқларга, ҳатто қўшни туманларда яшовчи фуқароларга турмушга чиқадилар. Лекин уларнинг кўпчилиги ота-онаси хонадонида, яъни бизнинг маҳалламизда рўйхатда туришда давом этади, вақти келиб фарзандли бўлгач эса нафақа тайинланишини сўраб мурожаат қиладилар. Бундай ҳолатларда, нафақа она амалда яшаётган йиғиндан бериладими ёки яшамасада рўйхатда турган йиғинданми?.."

Аслида паспорт режими талабларига кўра, ҳар бир фуқаро қаерда рўйхатга олинган бўлса, ўша манзилда яшаши ва барча маъмурий-ҳуқуқий жараёнларни ҳам ўша ҳудудда амалга ошириши лозим. Юқоридаги каби ҳолатларда эса фарзандини икки ёшгача парваришлаш учун нафақа олмоқчи бўлган ишламаётган она ўзи рўйхатда турган йиғинга ёки рўйхатда турмаса-да, амалда оиласи билан истиқомат қилаётган фуқаролар йиғинига мурожаат қилса, нафақа ҳар икки фуқаролар йиғинининг фақат биттаси томонидан тайинланади ва бунда нафақа тайинланишини сўраб мурожаат қилувчи шахснинг иккинчи йиғиндан нафақа олмаётганини тасдиқловчи маълумотномага асосланилади. Башарти, ишламаётган она фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар тўланадиган нафақа тайинлашни сўраб ўзи рўйхатда турган, лекин амалда яшамаётган маҳалла йиғинига мурожаат қилар экан, айни кунда оиласи билан истиқомат қилаётган ҳудуддаги фуқаролар йиғинидан бу турдаги нафақа олмаётганини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этиши шарт.

ТАҲРИРИЯТ

Бугуннинг гапи

Томни тешган биттаси, зарар кўрган нечтаси?

Истеъмолчилар тежамкор бўлмаса, таъминотдаги муаммолар барҳам топиши қийин!

Ҳар бир фаслнинг ўзига яраша инжиқликлари бўлгани каби қиш ҳам ёғин-сочинли, совуқ об-ҳавоси билан одамларга бироз ноқулайлик туғдириши табиий. Албатта, бундай пайтда аҳоли учун энг муҳими, иситиш тизими ва электр энергияси таъминотида узилишлар бўлмаслигидир. Шу боисдан республикамизда мутасадди ташкилотлар томонидан йил давомида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари олиб борилади.

Яқинда пойтахтимизда ана шу мавзуга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси мутасаддилари кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш юзасидан ахборот бердилар.

"Ўзбекэнерго" ДАКнинг бошқаруви раиси Ботир Тешабоев берган маълумотларга кўра, жорий йилда энергетика тизимини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш бўйича асосий ишлар Президентимизнинг 2007 йилнинг 2 майдаги "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2007-2008 йилларнинг кузги-қишки даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан амалга оширилиб, унга мувофиқ соҳа корхоналари бўйича жами 1624 та тадбирлар ишлаб чиқилган ва айни кунгача шулардан 1262 таси тўлиқ бажарилган. Компания таркибида ҳозирги кунда умумий қуввати 10,6 миллион кВт дан ортиқ бўлган 39 та электр станцияси, шу жумладан, қуввати 10,6 миллион кВт бўлган 10 та иссиқлик электр станцияси ишлаб турибди. Тизимда таъмирлаш ишларини олиб бориш учун жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 78,9 миллиард сўм маблағ сарфланган. Ўтган йили электр таъминотида муаммолар мавжуд бўлган айрим ҳудудлардаги эски трансформаторлар янада каттароқ қувватга эга бўлган янгиларига алмаштирилган.

"Ўзтрансгаз" АК тизимидаги корхоналарда ҳам қишнинг совуқ кунларида аҳолини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилган. Бу борада муаммолар юзага келиши эҳтимоли бўлган ҳудудларда эса алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу каби мавсумга тайёргарлик ишлари юртимизда ҳар йили амалга оширилади. Аммо шунга қарамай, электр энергияси, иссиқлик қуввати ва табиий газ таъминотида узилишлар учраб туради. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Албатта, истеъмолчиларнинг аксарияти бундай вазиятларда таъминотчи корхоналарни айбдор қилишади. Лекин вазият таҳлили бундай бирёқлама хулоса нотўғри эканини исботламоқда.

Дейлик, сиз кўпқаватли уйда яшайсиз. Коммунал таъминотда узилиш юзага келди. Аксарият ҳолларда бу иссиқлик ёки электр тармоғининг бирор жойида юзага келган носозлик билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳовли-жойларда яшайдиган фуқаролар ҳам бундай муаммолардан холи эмас, албатта. Аммо ҳар доим узилишлар тармоқдаги носозликлар оқибатида юзага келадими?

Масалан, маҳаллаларимиздаги кўпчилик хонадонларда иссиқхоналар мавжуд. Ўтган йили қишда ана шу иссиқхоналар учун табиий газ кўп сарфланиши ҳисобига иссиқхонаси йўқ хонадонларда ҳам табиий газ босими сезиларли даражада пасайиб кетди. Айрим фуқароларнинг табиий газ тармоғига яширинча уланиб, ўз хонадонларида миницехлар ташкил қилиб, шу йўл билан мўмайгина даромад топаётганликларига, уларнинг бу қилмишлари тегишли идоралар томонидан ўтказилган рейдлар натижасида фош этилганига ҳам гувоҳмиз. Тааждубли жойи шундаки, бундай қонунбузарликларга баъзи маҳалла йиғини масъуллари, фаоллари беэътиборлар. Ваҳоланки, коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишга, табиий газ ва электр энергиясидан тежаб фойдаланишга даъват этиш фуқаролар йиғинлари мутасаддилари зиммасидаги вазифалардир бири ҳисобланади.

— Бизнинг 9-қаватга сув чиқмаса ҳам, ёғингарчилик пайтида душимиз ишлаб туради.

А.ҲАКИМОВ чизган расм.

...Ўтган йили қишда кўпқаватли уйда истиқомат қиладиган бир танишим уйининг томидан чакка ўтаётганидан шикоят қилди. Ваҳоланки, ўша уйнинг томи капитал таъмирдан чиқарилганига кўп бўлмаган. Чакка ўтишининг сабаби эса кейинроқ аниқланди: қўшниларидан бири томни тешиб, ўз хонадонига кабель телетармоғини ўтказган, оқибатда ёғингарчилик пайтида уйдаги бир неча хонадонга чакка ўтиб кетган. Лекин чакка ўтишининг асл сабаби аниқлангунича одамлар томни капитал таъмирдан чиқарган қурувчилар, таъмир учун масъул шахслар ишидан шикоят ёздилар, ўнлаб кишиларга моддий ва маънавий зарар етди...

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки тегишли тизим ва коммунал хизмат кўрсатиш идоралари томонидан ҳар йили коммунал тизимда таъмирлаш ишлари амалга оширилгани билан хусусий мулк эгалари ўзларига тегишли бўлган мулкни авайлаб-асраш, газ ва электр энергияси, ичимлик сувидан оқилона фойдаланишни ўрганмас эканлар, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш мушкул бўлади. Буни ҳар бир истеъмолчи, ҳар бир фуқаро ёдда тутиши зарур.

Наргис БЕРДИБОЕВА, "Mahalla" мухбири.

Йил дастури ижроси — амалда!

Жиззах вилояти

Ташаббуслар маҳалладан чиқмоқда

Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати ҳамда бу йўлдаги ислоҳотлар натижасида ҳозирги кунга келиб аҳолининг кам таъминланган қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳамда бўлинмалари ҳам кенг қамровли ишларни бажармоқда.

Хусусан, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, касб эгаллаши, ҳунар ўрганиши учун шароит яратиш мақсадида юзлаб йигит-қизлар турли касб-ҳунарларни ўрганишга жалб қилинди. Жойларда ташкилот ва тадбиркорларни ҳомийликка жалб қилиш бўйича олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида 300 дан зиёд фермер маҳаллалардаги кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшиб келяпти.

Қишлоқ маҳаллаларидаги кам таъминланган оилаларга бир бошдан сигир ҳадя этиш борасидаги ишлар самараси ўлароқ, яна 3913 та оила қорамолли бўлди. Шундан 42 таси жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари ҳисобидан олиб берилди.

Таъкидлаш жоизки, бўлимимиз томонидан амалга оширилаётган хайрия ёрдамларининг бир қисми қарияларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган. Жумладан, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни даволаш, соғломлаштириш ҳамда герантологик ёрдам кўрсатиш ишларига ҳомий ташкилотлар билан биргаликда қарийб 2 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Ана шундай тоифадаги 501 нафар кишининг уй-жойлари ҳомийлар томонидан таъмирланиб, маиший шароитлари яхшиланди.

"Саховат" ва "Мурувват" уйлари, қариялар ва болалар санаторийларини капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, ногирон ва ёлғиз қарияларга хизмат кўрсатишнинг янги шакл, услуб ҳамда технологияларини жорий этиш, уй санаторийларига кўмаклашиш мақсадида 4 миллион сўмлик хайрия ёрдами ажратилди. Зомин туманидаги "Мурувват уйи" ҳамда Пахтакор туманидаги "Булбулча" махсус болалар боғчасига 1,5 миллион сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Биргина ёз мавсумида "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими томонидан 20 миллион сўм маблағ ажратилиб, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида бир қанча кам таъминланган оила фарзандларининг дам олиб қайтиши, оилавий шароити оғир бўлган 11 минг нафар, шу жумладан, "Меҳрибонлик" ва бошқа махсус болалар уйларидаги 2 минг нафар етим болаларни бепул соғломлаштиришга эришилди. Дам олиш масканларининг моддий-техник базасини мастаҳкамлаш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида ҳомий ташкилотлар ҳисобидан 217 миллион сўм маблағ ажратилиб, хизмат ҳажми кенгайтирилди.

Амалга оширган ишларимиз самараси эришилган ютуқларни сарҳисоб этиб, рақамларни таҳлил қилганда, айниқса, кўзга яққол ташланади. Хусусан, бўлимимиз, вилоят ҳокимлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, вилоят тадбиркорлар палатаси ҳамда хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида хотин-қизларни иш билан таъминлашни кўзда тутиб жорий этилган аниқ чора-тадбирлар амалда ўз самарасини берди. Натижада, жорий Ижтимоий ҳимоя йилининг ўтган даври мобайнида кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 1310 нафар, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 1211 нафар, фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳисобига 1002 нафар, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 1091 нафар, меҳнат шартномаси асосида касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 1354 нафар, буюртма шартномаси асосида эса 2704 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Касаначиликни янада ривожлантириш мақсадида ишсиз юрган тикувчи аёллар 400 дона тикув машиналари билан бепул таъминланди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, барча оммавий ташаббуслар маҳаллалардан чиқмоқда. Оилаларга ҳамфикр ва ҳамдард бўлиш, уларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида фуқаролар йиғинларида тез-тез турли тадбирлар уюштириб, уларнинг ҳаёти билан яқиндан танишишга ҳаракат қиляпмиз. Бу эса мавжуд муаммоларга ечим топишда қўл келяпти.

Муқум ҲАСАНОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Жиззах вилояти бўлими раиси.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ижтимоий ҳимоя: унда фуқаролар йиғинларининг роли».

Қашқадарё вилояти

Вилоятда аҳолининг ночор қатламларини аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирларни амалга татбиқ этишда маҳалланинг ролини ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

МЕЗОНГА СИҒМАЙДИ ЭЗГУЛИК

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида воҳада жисмоний имконияти чекланганлар учун 88 та касаначилик иш ўринлари яратилди. Кам таъминланган, ногирон, кўп болали оилаларга 607,8 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Бизнес соҳасида энг яхши тажрибани оммалаштириш учун Қарши шаҳрида "Муваффақият мактаби" ташкил этилгани ҳам эътиборга молик. Бундан ташқари, 3532 оилага бепул қорамоллар ҳадя этилди. 1252 та оилага 1934 бош майда шохли мол, 869 та оилага 10846 та парранда тарқатилиб, 8704 оилага қорамол сотиб олиши учун 5502,9 миллион сўм микрокредитлар ажратилди.

Вилоятда "2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ҳамда ногиронларни аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш дастури" ишлаб чиқилгани диққатга сазовордир. Жумладан, ушбу дастур асосида 2127 нафар киши аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоядан баҳраманд бўлди. Вилоятдаги «Саховат» ва «Мурувват» уйлари таъмирдан чиқарилиб, жиҳозланмоқда. Шунингдек, 931 нафар ёлғиз кексаларнинг турар-жойлари таъмирланди.

Ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг янги шаклларидан бири — "Ижтимоий полиз"лар ташкил қилиниб, уларга 22 нафар ёлғиз кишилар жалб этилган.

Воҳадаги қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ҳомийлигида 66,4 километр узунликда қувур ётқизилди. 4 та қудуқ қазилиб, 15 та қудуқ тикланди. 34 та аҳоли пунктида ичимлик суви таъминоти яхшиланиб, 47 та насос ўрнатилди. Шу жумладан, 3,2 километр электр тармоқлари тортилди.

Айни вақтда шаҳар ва туманларда 14 та мулоқот маркази фаолият кўрсатмоқда. Уларга 759 та нафар ёлғиз кексалар жалб этилган. 6987 та кам таъминланган оила аъзолари номига банкларда омонат дафтарчалари очилиб, уларнинг ҳисобига 283 миллион сўмлик маблағ қўйилди. 614 нафар хотин-қизга "Зингер" ва "Чайка" русумли тикув машиналари бепул берилди.

Ногиронлар, ёлғиз қариялар ҳамда кам таъминланган оилалар саломатлигини муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган тадбирларда ҳомийларнинг фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида улар томонидан 52 та кам таъминланган оиланинг никоҳ ва 146 та боланинг суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Ҳа, аслида, эзгулик биз сарҳисоб деб атайдиган мезонларга сиғмайди. Уни рақамлар жадвалларда бор бўй-басти билан ифодалаш мушкул. Бинобарин, хайрли амаллар натижасида обод этилган биргина кўнгил нурафшонлиги, маҳалла ёки қишлоқларда яшаётган одамлар турмуши фаровонлиги учун яратилган қулайликнинг шукронаси қалбларга муҳрланган.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

ДОРИВОР КОЛБАСАЛАР

у ақлий фаолиятни яхшилайди

Ставрополлик бир талаба инсон тафаккурини ўстиришга ижобий таъсир кўрсатадиган колбаса тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқди. Унинг илмий раҳбари — Шимолий-Кавказ Давлат техника университетининг илмий-техника маркази директори Наталья Лукьянченконинг сўзларига қараганда, колбаса таркибига ақлий фаолиятни яхшилайдиган бир қанча озуқавий қўшимчалар қўшилар экан. Маҳсулотнинг шу хусусиятини эътиборга олиб, уни "Одарённая" ("Иқтидорли") деб номлашибди.

Ҳозирда талаба ўз ихтироси учун патент олиш ҳамда турли рецептлар бўйича кенг ҳажмда "Одарённая" колбасаларини ишлаб чиқариш ҳаракатида юрибди. Унинг бу мақсади амалга ошгунга қадар истеъмолчилар маҳаллий гўшт комбинатида ишлаб чиқарилган 30 килограмм миқдордаги маҳсулот намунасидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

ҚОҒОЗ ҚУТИДА 6 ЙИЛ

Қозоғистоннинг Ақтау шаҳрида васийлик бўлими ҳамда полиция ходимлари томонидан олти йиллик умрининг асосий қисмини телевизорнинг қоғоз қутисида ўтказган бола топилди.

Аниқланишича, болакайнинг онаси уни чақалоқлигидаёқ ташлаб кетган, отасининг қаердалиги эса номаълум. Гўдакнинг ичкиликка берилган бувисидан бошқа ҳеч кими йўқ экан. Бувиси унинг тарбияси билан етарли даражада шуғулланмаган. Шу боис болакай гапириш, юриш, қошиқда овқат ейишни ҳам билмайди. Кампирнинг уйида ёш бола борлигидан ҳатто қўшнилар ҳам бехабар бўлишган. Улар фақат бир марта болакайнинг қаттиқ бақирганини эшитишган ва шубҳаланиб, дарҳол полициягa хабар беришган.

Ҳозирда болакай шаҳардаги меҳрибонлик уйларининг бирига жойлаштирилган. Одатда, бу ёрда 4 ёшгача бўлган болалар тарбияланади. Лекин бу боланинг ривожланиши бир ёшли чақалоқникидан ҳам ортда қолиб кетган. Уни тенгдошлари даражасига етказиш учун эса жуда кўп вақт, меҳнат ва эътибор керак бўлади.

Фарғона вилояти

Ихтисослашган мактаб янги қиёфада

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ Фарғона вилояти таълим муассасаларида реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари изчил бажарилмоқда. Қувасой шаҳридаги 1-ихтисослашган мактаб-интернати ана шундай янги қиёфа касб этган таълим муассасаларидан биридир.



"Қувасойтаъмирқурилиш" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари кенг ва ёруғ синфхоналар, мажлислар зали, ўқув устахонаси, ахборот-ресурс марказини ўз ичига олган 240 ўринли ўқув биносини тубдан қайта таъмирлади.

Иқтисод ва математика фанлари чуқур ўргатиладиган мазкур илм масканида ўқувчиларнинг билим олиши, касб-ҳунар ўрганиши ҳамда спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар муҳайё.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Саховатпешаларданмиз

Бухоро вилояти

ДАРДИ БОРГА ДАЛДА БЎЛСАК...

Ҳаётнинг кутилмаган зарбалари кўп. Агар иродангиз мустаҳкам, бардошингиз тошдан бўлмаса, бу зарбаларга осонгина мавҳ бўлишингиз тайин. Пешкулик I гуруҳ ногирони Рисолат Ҳайитовани ҳам тақдир қаттиқ синовга рўбаро қилди.

Елиб-югуриб ишлаб юрган, жамиятга, эл-юртга нафи тегаётган аёл тўсатдан оёқдан қолди. Шифокорларнинг муолажалари ҳам, дори-дармонлар ҳам кор қилмади. Хуллас, Рисолат опанинг бу кўргиликка дош беришдан бошқа иложи қолмади.

— Дарднинг келиши осон, кетиши қийин деганларича бор экан, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Пешку тумани бўлинмаси раиси Бобоқул Насриддинов. — Биз Рисолат опанинг ногиронлик аравачасига эҳтиёж сезаётганидан хабар топиб ёрдам қўлини чўздик. Унга бўлинмамиз ҳисобидан ногиронлик аравачаси олиб берилди.

Пешкуда жамғарма туман бўлинмасининг бундай беминнат кўмагидан баҳраманд бўлаётган оилалар сони анчагина. Жорий йилнинг ўтган даврида қарамоғида ногирон кишиси бўлган оилалардан 13 тасига 380 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Бир нафар ногирон фуқаронинг даволаниши учун 100 минг сўм ажратилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бирининг коммунал тўловлари бўлинма ҳисобидан қопланди.

— Йил охирига қадар бўлинмамиз ҳисобидан 2-3 нафар кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол олиб бериш ҳамда болалар майдончаси барпо этишни режалаштирганмиз, — дейди Б.Насриддинов.

Ҳамроз АЛИ,
"Маҳалла" мухбири.

Эҳтиёткорлик — шарт!

Пойтахтимизда бахтсиз тасодифларнинг олдини олиш, улар содир бўлганда эса ҳодиса оқибатларини бартараф этиш, жабрланувчиларни қутқариб, зарур ёрдам кўрсатиш Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари зиммасидаги асосий вазифалардан ҳисобланади.

ФАЛОКАТ оёқ остида, ҲУШЁРЛИК ўз қўлимизда

Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Қутқарув хизмати"нинг "050" телефон рақамига ёрдам ва маслаҳат сўраб 72001 марта мурожаат қилинган. Ушбу мурожаатларнинг 1206 тасида "050—Қутқарув хизмати" ва "Авария қутқарув отряди"нинг қутқарувчилари, мутахассислари ҳамда бошқарма офицерлари зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб бориб, инсонлар ҳаётига раҳна солувчи ва фавқулодда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган ҳодисаларни бартараф этдилар. Бундан ташқари, 70795 та ҳолатда фуқаро муҳофазаси хизматлари ва авария-тиклаш ишлари амалга оширилди. 310 та мурожаат бўйича эса ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган ногирон ва кекса фуқароларга тез тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Хусусан, шу йилнинг 28 июль куни Миробод тумани Ржевская кўчаси 7-уй 10-хонадонда яшовчи 1988 йилда туғилган А.Сангов дарахтга чиқаётиб, эҳтиётсизлиги оқибатида темир панжара устига йиқилиб тушган ва оқибатда қўлини панжара найзаси тешиб ўтган. Капитан У.Бозоров бошчилигидаги қутқарувчилар гуруҳи махсус кесувчи асбоблар ёрдамида ўспиринни қутқариб, тезкорлик билан Республика шошилинч тиббий ёрдам марказига етказдилар.

Шаҳримиз кўчалари серқатнов, шу билан бирга турли тасодифларга тўла. Йўл транспорт ҳодисалари рўй берганда автоулов ичида қолиб кетган фуқароларни қутқариб олишда ҳам бошқармамиз ходимлари ёрдамга келадилар. Жорий йилнинг 25 сентябрь куни Ҳамза туманидаги Оҳангарон шоҳ кўчасида "ГАЗ-24" ва "ВАЗ-2106" русумли автоуловлари тўқнашуви оқибатида кўнгилсиз ҳодиса рўй берди. Воқеа жойига зудлик билан етиб борган сержант Мақсуд Мансуров бошчилигидаги қутқарувчилар автомашиналар ичида қолиб кетган жабрланувчиларни қутқариб, дарҳол биринчи тиббий ёрдамни кўрсатдилар.

Ҳаётимиз мазмуни, келажагимиз ворислари бўлган болаларни асраш, уларни турли нохуш вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Лекин афсус билан таъкидлаш жоизки, болаларни назоратсиз қолдириш оқибатида турли кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермоқда. Ўтаётган йилнинг тўққиз ойи давомида 207 ҳолатда газ плиталари ёки турли электр жиҳозлари ёниқ ҳолатда хонадонларда ёш болалар қаровсиз қолдирилган. Эшиклар қулфланиб қолиб, ичкарига киришнинг иложини тополмаган фуқароларнинг қилган мурожаатлари асосида тезкор ёрдам кўрсатилди ва юз бериши мумкин бўлган нохуш вазиятларнинг олди олинди.

Шаҳримиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш учун техник имкониятлар ва ходимларимизнинг салоҳияти етарли. Аммо, ўзимизга боғлиқ баъзи кўнгилсиз вазиятларнинг келиб чиқмаслиги учун ҳар биримиз эътиборлироқ ва ҳушёр бўлишимиз лозим.

Соҳиб КУДРАТОВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Ахборот-таҳлил хизмати ва тезкор навбатчилар гуруҳи бошлиғи.

Ташаббуснинг қаноти бор

Андижон вилояти

Муродига етган Муроджон

У маҳаллада ўз ҳисобидан замонавий гузар бунёд эттирди

Хонобод шаҳридаги Фозилмон маҳалласида истиқомат қилаётган тадбиркор Муроджон Абдуллаев анча йиллардан бери маҳалласига мос гузар йўқлигидан куйиниб юрарди. У гузар қуриш таклифи билан чиққанда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аъзамжон Холдоров бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаб, керакли ҳужжатларни тайёрлаш ишларига киришиб кетди. Тез орада қурилиш учун ер майдони ажратилди.

Муроджон муродига етди. Қисқа муддатда барпо этилган чойхона, новвойхона, қассобхона, сомсахона, сабзавотлар дўкони, замонавий ҳаммом ўрин олган гузар аҳолига хизмат кўрсатишни бошлади. Шу ернинг ўзида 14 нафар киши муқим иш билан таъминланди. Тадбиркор энди қурилиш материаллари дўкони, қандолат маҳсулотлари цехи қуришни режалаштирмоқда. Келажакда эса маҳалла аҳли учун кичик бозорча барпо этиш нияти ҳам йўқ эмас.

Умуман олганда, кейинги пайтларда аҳолига турли қулайликлар яратишда маҳаллий тадбиркорларнинг ўрни беқиёс. Жумладан, Кампирровот маҳалласи фуқароси Акмалжон Мирзараҳимов ташландиқ жой ўрнида замонавий ҳаммом қуриб, ишга туширди. Унинг ёнидан чойхона ва ошхона ҳам жой олди.

Ана шундай фидойи инсонлардан бири Бобуржон Шокиров шаҳар марказидаги харобага айланиб қолган ҳаммом биносини таъмирлашни ўз зиммасига олди. Тез орада замонавий ускуналар билан жиҳозланган ҳаммом қад ростлади, новвойхона, чойхона, қассобхона қурилди. Бобуржон энди енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасини қурмоқчи. Ушбу хайрли иш амалга ошгач, яна йигирма нафар киши доимий иш билан таъминланади.

— Шаҳардаги барча тадбиркорларимиз ободончилик ишларида аҳолига камарбаста, — дейди шаҳар ҳокими Абдуғафур Абдураҳимов. — Архитектура ва қурилиш бўлими мутахассислари кенг жамоатчилик билан бамаслаҳат ҳар бир тадбиркор учун ер майдонлари ажратиб беришга кўмаклашмоқда. Хусусий тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилишига биз ҳам қўлимиздан келганича ёрдам беряпмиз. Чунки уларнинг саъй-ҳаракати билан шаҳримиз кундан кунга обод бўлиб, юзлаб кишилар доимий иш билан таъминланмоқда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Эй сиз одамлар, эссиз одамлар

Найрангга учган "ЎЛЖА"

У пул васвасасида фирибгарлар тузоғига осонгина илинди

Халқимизда "Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар", деган мақол бор. Ҳамидулла (исм-шарифлар ўзгартирилган) бу мақолни кўп бора эшитган бўлса ҳам, унга амал қилмади, оқибатда эл-юрт, дўст-ёрлари олдида уятга қолди. Ёш бўлса-ку, ҳа, энди бир бебошлик қилибди-да, дейиш мумкин эди. Аммо у аллақачон қирқ ёшнинг довонидан ҳатлаб бўлган, шунча ёшга кириб бирор тайинли ишнинг бошини тутай демаган.

Кунларнинг бирида у тушлик қилиш учун кафега кириб, овқат билан ароқ буюрди. Шу пайт олдига нотаниш йигит келиб, бирга ўтириш учун ижозат сўради. Ўзини Сардор деб таништирган бу йигит жуда улфатижон экан, бир зумда гап-гапга қовушиб кетди. Анча пайтгача суҳбатлашиб ўтиришгач, Ҳамидулладан яшаш манзили ва телефон рақамини сўраб олди.

Икки кундан кейин Сардор Ҳамидуллага қўнғироқ қилиб, учрашишни таклиф қилди. Икковлон кафега кириб, обдон улфатчилик қилишди. Гап айланиб пул масаласига тақалар экан, Ҳамидулла топиш-тутишининг мазаси йўқлигидан нолиди. Сардорга эса шу керак эди, вақтни бой бермай ишга киришди:

— Гам ема, оғайни. Хоҳласанг, осон пул топиш йўлларини ўргатаман. Бунинг учун салгина каллани ишлатиш керак холос.

Овқатдан сўнг улар кўчада ёнма-ён кетиб боришар экан Сардор оёқ остидан гоҳ пул, гоҳ телефон топиб ола бошлади.

— Ахир мен ҳеч нарса кўрмаяпман-ку. Сен буларни қандай қилиб топиб оляпсан? — деди Ҳамидулла ажабланиб.

— Ҳамма гап ана шунда-да. Шу усул билан содда одамларни чув туширишмумкин. Қарабсанки, улар ёнларида борини ўзлари сенга қўшқўллаб тутқазиб юборганларини билмай қоладилар.

Шундан кейин Сардор Ҳамидуллага ўз "ҳунар"ининг сир-асрорларини ўргата бошлади. "Шогирд" уқувли чиқиб қолди. Икки кунлик сабоқ давомида анча-мунча нарсани ўзлаштириб олди. Энди уларни амалда синаб кўриш қолганди.

6 август куни икковлон овга чиқишди. Бардам бўлиш учун кафега кириб, қиттак-қиттак «отиб» олишни ҳам унутмадилар. Сардор ёнидан бир тахлам қирқилган қоғоз ва икки дона бир долларлик купюраларни чиқарди. Долларни қоғозларнинг устидан қўйиб, резинка ўтказиб қўйгач, рўмолча билан бирга Ҳамидуллага узатди:

— Сен йўлдан гўёки шу пулларни топиб олган бўласан. Қолгани режамиздагидек давом этади.

Ҳамтовоқлар кўчага чиқиб, ўлжа қидира бошлашди. Дурустгина кийинган Ноила уларга маъқул кўринди. Ҳамидулла аёлнинг ортидан бироз кузатиб борди, хилватроқ жойга етганда эса қадамини жадаллатиб олдинга ўтди ва пул "топиб олди". У ҳаяжон билан "вой" деб Ноиланинг эътиборини ўзига жалб қилди. Дастлаб ҳеч нимага тушунмаган аёл нотаниш йигитнинг қўлида бир даста долларни кўргач, чиҳакамига ҳайратга тушди.

— Илтимос опа, жим бўлинг. Ҳозир мен пулга жудаям муҳтож эдим. Келинг, яхшиси уни бўлишиб оламиз, кейин ҳар биримиз ўз йўлимизга кетамиз,— деди Ҳамидулла ва худди пулнинг ярмини берадигандек Ноилани шу атрофдаги кўпқаватли уйнинг ҳовлиси томон бошлади. У аёлни чалғитиш учун турли-туман баҳоналар ўйлаб топар экан, кўзлари олазарак бўлиб бировни қидирарди. Шу пайт ҳовлиққанча Сардор пайдо бўлди.

— Кўчада кетаётиб 3500 долларимни йўқотиб қўйдим. Сиз олганингизни кўрганлар бор. Илтимос, қайтариб беринг.

Ҳамидулла унга рад жавобини бергач:

— Пулни айнан сиз олганингизни бир аёл кўрган экан. Юринг, сизни ўша аёл билан юзлаштираман, — деди.

— Бўпти, сиз бора туринг, ортингиздан етиб оламан, — деди Ҳамидулла. Сардор нарироқ кетгач, пулларни рўмолчага ўраб Ноилага берди ва: "Менда турса эгаси тортиб олиши мумкин. Лекин мен сизни танимайман, ахир ўртада шунча пул бор. Кетиб қолмаслигингизга ишонишим учун бирон нарсангизни беринг", — деди. Шошиб қолган Ноила унга паспортини тутқазмоқчи бўлди, аммо йигит ҳужжатга ишона олмаслигини, "қўлга илинадиганроқ" бошқа нарса беришни сўради. Аёл ўйлаб ўтирмай қўл телефонини, пулларини, тилла зирак ва узукларини ечиб берди.

— Ҳозир бориб ҳаммасини ҳал қиламан. Кейинроқ телефонингизга қўнғироқ қилинг, бирон жойда учрашиб, пулларни бўлишиб оламиз, — деди Ҳамидулла ва Сардорнинг ортидан кетди. Улар ўлжаларни тақсимлаб олишди. Йигитни кута-кута тоқати тоқ бўлган Ноиланинг юрагига шубҳа оралади, рўмолчани очиб кўргач, чув тушганини англади...

Олиб борилган қидирув ишлари натижасида Ҳамидулла тезда қўлга олинди. У шериги ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмагани туфайли тергов давомида Сардорнинг шахсини аниқлашнинг имкони бўлмади. 2007 йил 20 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой тумани судининг очиқ суд мажлисида Ҳамидулла Собировга оид жиноят иши кўриб чиқилди ва унга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Айбдор-ку, тегишли жазосини олди. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор: балки пул васвасаси Ноиланинг ақлини ўғирлаб қўймаганда, фирибгарларнинг тузоғига илинмаган, қанчадан-қанча асаббузарлик ва оворагарчиликларга дучор бўлмасмиди?!.

Ҳамро БЕРДИҚИЛИЧЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой тумани судининг судьяси.

Жиззах вилояти

Мўъжизакорлар юрти

ЯПОН ДАРАХТИ маҳаллаларда гуллайди

Атоқли шоиримиз Ойбек айтганидек, тупроғида олтин гуллайдиган ўлкамиз заминида ҳар қандай ниҳолни ундириб, ундан ҳосил олса бўлади. Жиззах давлат марказий ўрмон хўжалиги жамоаси ана шундай табиий имкониятдан фойдаланиб, кунчиқар мамлакат — Японияда ўсувчи япон сафораси дарахтини заминимиз тупроғида оммавий экиб-ўстиришга киришди.

— Вилоятимиз шаҳар ва туманларида япон сафораси ниҳолларини экиш ва ўстириш учун замин яратяпмиз, — дейди ўрмон хўжалиги бош мутахассиси Ўмир Шодмонов. — Айни пайтда келгуси йил баҳорда экиш учун 490 минг дона ниҳол кўчатхоналарда парвариш қилинмоқда. Бу борада Зомин, Бахмал, Ғаллаорол туманлари ўрмон хўжаликлари соҳибкорлари ибратли ишларни амалга оширяптилар. Малакали мутахассислар ўсимликни қандай экиш ва парваришлаш лозимлигини ўргатишда аҳолига яқиндан кўмаклашяптилар. Бу борада жойларда ўтказилаётган кўргазмали семинарлар катта самара бермоқда. Дастлабки хулосалар бу дарахтни вилоятнинг кўпгина маҳаллаларида ўстириш мумкинлигини исботлаб турибди.

— Узоқ муддат гуллаб турувчи ушбу дарахт шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини янада кўркамлаштиради. Барглари тез тўкилмайди, ўзидан ёқимли бўй таратади, — дейди кўчат етиштирувчилар.

Дарвоқе, вилоят ўрмончилари нафақат маҳаллалар чиройига чирой қўшувчи манзарали дарахтлар, шу билан бир қаторда ўнлаб турдаги доривор ўтлар етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишяпти. Ўз навбатида бундай доривор ўтлардан тиббиёт лабораторияларида инсон саломатлигини таъминловчи малҳамлар тайёрланмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Мозийдан мерос ёдгорликлар

ҚАБРТОШЛАРДАГИ БИТИКЛАР

улар қадимги туркий халқларнинг буюк тарихидан гувоҳлик беради

VI-XIV асрларда Сибир, Мўғулистон, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Волгабўйи, Кавказ ҳамда улар атрофидаги ҳудудларда яшаган қадимги туркий уруғ ва қабилалар сўғд, турк-рун, уйғур, брахма, моний ва араб ёзувларидан кенг фойдаланганлар.

Бу ёзувларда битилган топилмалар орасида айниқса, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари алоҳида ўрин тутади. Мазкур ёдгорликлар асосан қабртошларга битилган бўлиб, тарихий, илмий ва ёзма адабий манбалар сифатида қадрлидир. Бундай қабртошлар сирасига Тўнюқуқ, Култегин, Билга ҳоқон, Ўнгин, Кули Чур, Мўюн Чур ва бошқа битиктошларни киритиш мумкин. Улар асосан Ўрхун ва Энасой (Енисей) дарёларининг ҳавзаларидан топилгани учун Ўрхун-Энасой ёдгорликлари деб аталади. Кейинчалик Сибир, Мўғулистон, Ўрта Осиё, Кавказ, Волгабўйи ҳудудларидан ҳам ана шундай ёдгорликлар топилган.

Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг топилиши ва ўрганилиши XVIII асрдан бошланган. Илк бор Сибир харитасини тузиб юрган географ Семён Ремезов Ўрхун ва Талас дарёлари соҳилида антиқа қабртошларга дуч келади. Бу ўлкаларга сургун қилинган швед офицери Филипп Иоганн Страленберг ҳам 1730 йилда Енисей дарёси бўйида номаълум алифбода битилган улкан қабртошни учратади. Швецияга қайтгач, номаълум ёзувнинг жадвалини нашр қилдиради. Шундан сўнг Сибирга археологик изланишлар олиб бориш мақсадида илмий экспедициялар уюштирила бошланди. 1889 йилда рус олими Ядринцев Қорақум шаҳри харобалари яқинидан Култегин ва Билга ҳоқон битиктошларини топади. 1891 йилда Россия Фанлар академияси томонидан қабртошларни топиш ва ўрганиш учун махсус экспедиция юборилади. Унга бошчилик қилган олим В.В.Радлов тўпланган материаллар асосида турк-рун ёзувлари атласини тузади ва чоп эттиради.

Албатта, номаълум битикларни ўқиш, мазмунини аниқлаш олимлар учун осон кечмаган. Бу иш устида бир неча шарқшунос кўп йиллик изланишлар олиб борди. Ниҳоят, даниялик олим Вильгельм Томсон биринчи бўлиб битикларни ўқишга муваффақ бўлди. Кейинроқ Радлов ҳам Култегин битиктошини ўқишга эришганини маълум қилди.

Турк-рун ёзувлари ўнгдан чапга, тепадан пастга қараб ёзилган. Ёдгорлик кимнинг қабри устига ўрнатилган бўлса, ундаги матн ўша шахснинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот беради. Аммо унда бадиий адабиётга тааллуқли унсурларни ҳам учратиш мумкин. Битиктошларнинг асосий мавзуси ватанпарварлик ва қаҳрамонликни улуғлашдир.

Тўнюқуқ битиктоши иккита тош устунга ўйиб ёзилган. У 712-716 йилларда битилган бўлиб, ҳозирги Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳридан 66 км узоқликдаги Баин Сокто манзилидан топилган ва ҳозир ҳам ўша ерда сақланади. Тўнюқуқ — шахс номи. У Турк хоқони Элтаришнинг саркардаси ва маслаҳатчиси бўлган. Давлат ишларини юритиш, ҳарбий юришлар ва хавфсизлик масалалари ва эл-юрт фаровонлигини таъминлашда хоқон доимо унинг маслаҳати ҳамда ёрдамига суянган. Тўнюқуқ хоқонликда олий даражадаги ҳарбий унвонлардан бири бўлган "шад" мақомига лойиқ топилган. Қабртошда саркарданинг амалга оширган ишлари Тўнюқуқ тилидан батафсил ҳикоя қилинади. "Турк Билга хоқон давлатида бу битикни ёздирдим", дейди у. Битиклардан Тўнюқуқнинг мард ва жасур, халқпарвар шахс экани маълум бўлади. Масалан, у душманнинг хоқонликка қарши урушга тайёргарлик кўраётганидан воқиф бўлиб: "Ўша гапни эшитиб, тун ухлагим келмади, кундуз ўтиргим", дейди.



Култегин битиктоши 1889 йилда Мўғулистоннинг Кошо Сайдам водийсидан топилган. У 732 йилда мармартошга ўйиб ёзилган бўлиб, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари ичида ҳажм ва мазмун жиҳатидан энг салмоқлисидир. Бундан ташқари, ушбу битиктош муаллифининг номи ҳам маълум. Муаллиф Йўллиғ тигин — туркий халқларнинг номи сақланиб қолган биринчи ёзувчиси саналади. Култегин — Элтариш хоқоннинг ўғли, Билга хоқоннинг укаси. Қабртошда унинг баҳодирлиги, давлатни мустаҳкамлаш йўлида олиб борган курашлари қизиқарли услубда баён қилинади.

Билга хоқон битиктоши ҳам Йўллиғ тигин қаламига мансуб. Бошқа битиктошлардан фарқи шуки, унда қаҳрамоннинг ҳаёти, ҳарбий юришлари ёшига боғлиқ равишда ёритилган. Воқеалар баёни 81 сатрга жойланган бўлиб, Билга хоқоннинг 17 ёшида Танғут тарафларга лашкар тортиши билан бошланади: "Танғут халқини енгдим, ўғлини, бор нарсасини, йилқисини, мол-мулкини олдим". Умуман, бу битиктошдаги матн мавзуси ҳарбий соҳага алоқадор. Шу туфайли асосий фикр давлат ва уни бошқариш, қўшин, ҳарбий салоҳият устида боради.

Ҳозирги кунда ушбу ноёб топилмалар Мўғулистон, Россия, Германия, Хитой, Буюк Британия, Франция, Швеция каби мамлакатлар ва Ўрта Осиё республикаларидаги музейларда сақланмоқда.

Қабртошлардан ташқари туркий-рун ёзувларида қояларга, тери, қоғоз, пиширилган лой, ёғоч ва бошқа буюмларга ёзилган ёдгорликлар ҳам топилган ва илмий жиҳатдан ўрганилган.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

МУҲАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда ўзингизнинг ишбилармонлигингизни намоён этиш учун қулай имконият юзага келади. Режаларингизни рўёбга чиқариш учун кўп изланишингиз зарур.

СИГИР(22.04-20.05)

Сиз учун айни кунлар ҳеч қандай муаммоларсиз, бир маромда ўтади. Янги мутахассисликни эгаллаш даромадлироқ ишга жойлашишингиз учун имкон яратса, ажаб эмас.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Айни кунлар кутилмаган воқеа-ҳодисаларга бой бўлади. Буларнинг аксарияти ишингиз билан, айримлари эса соғлиғингизга боғлиқ бўлиши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ўз хатти-ҳаракатларингиз ҳақида яхшилаб ўйлаб кўришнинг айни вақти. Фаолиятингизда туб бурилишлар юз бериш эҳтимоли бор.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Шу кунларда ишингизга кўпроқ вақт ажратишга ҳаракат қилинг. Жума куни янги иш юзасидан таклиф тушиши кутилмоқда. Шошқалоқликка йўл қўйманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Айни кунларда кўпгина муаммоларингизни хал қилиб олишингиз мумкин. Баъзи масалаларда эса қалбингизга қулоқ тутганингиз маъқул.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Сиз жуда интилувчансиз. Шу боис ўйлаган ниятингизга осонликча эришасиз. Пайшанбада ҳужжатлар билан боғлиқ ишлар осон ечим топади.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Янада ташаббускорроқ бўлсангиз, фойдадан холи бўлмайди. Шу кунлар сизнинг фаолиятингизда бироз нотинч, бироқ жуда сермаҳсул бўлиши кутилмоқда.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Оила ва ишдаги муаммоларнинг ечимини топишда ақл билан иш тутинг. Эришаётган ютуқларингиздан ҳаволаниб кетманг, босиқроқ бўлиш ҳеч қачон зиён келтирмайди.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Анчадан буён амалга оширолмай келаётган режангизни рўёбга чиқариш вақти келди. Ишингизга фойда келтирувчи ҳамкорлар сонини кенгайтиринг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Мазкур бурж вакиллари айни кунларда мулоқот доирасини кенгайтириши мумкин. Муҳим қарорларни қабул қилишда эҳтиёткор бўлинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Ушбу ҳафтада моддий аҳволингизни яхшилаб олиш учун имкониятларингиз янада кенгаяди. Шунга қарамай, ортиқча сарф-харажатга йўл қўйманг.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, жамғарманинг Тошкент шаҳри бўлими «Маҳалла» жамғармаси Учтепа тумани бўлинмаси раиси Собитжон Имомовга падари бузруквори **ХУДОЙНАЗАР ОТА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Доноларнинг дурдона фикрлари

Сен отангга ҳарна қилдинг яхшилик,
Кут болангдан яхшиликка яхшилик.
Аҳмад ДОНИШ

Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг отаси.
ЦИЦЕРОН

Бажармайди фарзанд отаси сўзин,
"Ҳолва ема!" деса, еб туриб ўзи.
Абдурахмон ЖОМИЙ

Отанинг жиддийлиги ажойиб дори, унинг аччиғидан кўра, чучуги кўпрокдир.
ЭПИКТЕТ

Фарғона вилояти

Сифатли НОН маҳсулотлари

"Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясига қарашли Охунбобоев тумани Бешкапа қишлоғида жойлашган нон ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳаридоргирлиги билан ажралиб туради. Бу бежиз эмас, албатта. Корхонада биринчи навбатда маҳсулот сифатига катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, нон маҳсулотлари тайёрлаш бозор талабларини ўрганган ҳолда амалга оширилмоқда.

— Мақсадимиз туман аҳолисини нон билан узлуксиз таъминлашдан иборат, — дейди корхона раҳбари Рустамжон Миролимов. — Бу борада амалий чоралар кўриб, ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ўсишига эришдик. Бир қатор савдо дўконлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганимиз ҳам аҳолининг нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилаётир.

Айни пайтда 34 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада беш турдаги нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Ўтган тўққиз ой давомида истеъмолчиларга 254 тонна маҳсулот етказиб берилди.

СУРАТДА: *нон ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси Нигора Қирғизова.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Мулоҳазага ўрин бор

«ПЛАГИАТ» деган таърифга "NIHOL" ЛОЙИҚ ...МИ?

Ёхуд болалар учун мўлжалланган нашрнинг болаларча "шўхлиги" хусусида

Бугун газета ёки журнал мутолаа қиламан, деган киши асло зерикмайди: турли касб ва ёшдаги, шунга яраша қизиқиши турлича бўлган муштарийлар учун мўлжалланган, турли йўналиш ва бичимдаги ўнлаб матбуот нашрлари газета дўконларида исталганча топилади. Уларнинг орасида "Nihol-Rostok" газетасига ҳам кўзингиз тушиб қолса, ажабмас.

Газета ижодкорлари "Nihol"нинг йўналишини "Болалар учун махсус дам олиш нашр" дея белгилашган. Шунча матбуот нашрлари турганда дабдурустдан "Nihol-Rostok" хусусида сўз очишимиз ажабланарли туюлиши мумкин. Гап шундаки, бизга маълум бўлишича, "Mahalla" "Nihol-Rostok"нинг "махфий ҳамкори" бўлиб, ушбу "Болалар учун махсус дам олиш нашр"ининг саҳифаларини мазмунли ва қизиқарли мақолалар билан бойитишга бевосита улуш қўшиб келмоқда экан. "Махфий ҳамкор" деган ибора шу билан изоҳланадики, ўша нашрнинг жорий йилдаги 17, 18-сонлари билан танишмагунимизча биз, яъни "Mahalla" газетаси таҳририятининг ижодий жамоаси бу "ҳамкорлик"дан мутлақо бехабар эдик. Буни қарангки, "Nihol-Rostok"нинг иккита сони варақланганда, уларда чоп этилган мақолаларнинг 4 таси "Mahalla"дан олинган бўлиб чиқди.

Аниқроқ айтганда, газетамиз мухбирлари Шаҳноза Эргашева ва Ҳамза Абдуллаев ижоди маҳсули бўлган "Бугунги ёшлар эртага ким бўлмоқчи?" ва "Бир чимдим меҳр" мақолалари "Mahalla"дан олингани хусусида бирон изоҳ берилмаган ҳолда "Nihol-Rostok"да кўчириб босилган. Буниси ҳам майли, аслида болажонларимиз ўзлари учун мўлжалланган нашр орқали "Mahalla"да берилган мақолаларни лотин алифбосида ўқишса, қолаверса, "Nihol-Rostok" каби "жажжи" нашр "Mahalla"дан кўчириб босса, бунинг бизга унчалик оғир ботадиган жойи йўқ. Бироқ, "Nihol"чилар бу билан чекланмай, газетамизда чоп этилган айрим мақолаларни очиқ-ойдин ўзлаштирганлар — бизни бисёр таажжубга солган томони ҳам ана шу. Хусусан, "Mahalla"нинг 2005 йил 13 апрель сонида чоп этилган Жасур Кенгбоевнинг "Бир нега "1"?" мақоласи "Nihol-Rostok"да Мансур Юнус имзоси билан, нашримизнинг доимий муаллифларидан бири Рашид Бойтиллаевнинг шу йил 8 августда газетамизда чоп этилган "Сайҳун ёқасидаги Ахсикат" номли мақоласи эса нима учундир Ш.Ўрманжанов имзоси остида берилган...

Расм "Nihol-Rostok"дан олинди.

Дарвоқе, "Nihol-Rostok"нинг бош муҳаррири сифатида айнан Мансур Юнус исми-шарифи кўрсатилади. Уни телефон орқали бир неча бор сўроқлаб, топа олмадик. Нашрнинг муассиси "Global Press" МЧЖ ҳисобланиб, "Nihol-Rostok" қандайдир лойиҳа асосида чоп этилар экан. Лойиҳа раҳбари Г.Асқарҳўжаева билан телефон орқали боғланиб, ўзимизни қизиқтирган саволга ундан "Nihol-Rostok" ижодкорлари плагиатлик қилаётганидан бехабарман, умуман, газета фаолиятининг бу жиҳати учун мен масъул эмасман", қабилидаги жавобни олдик...

Умуман олганда, бизни ажаблантиргани "Nihol-Rostok"нинг матбуот оламида энг оддий ва бирламчи тартиб-қоидаларни бузаётганигина эмас. Нашрни саҳифалаш ва безашда болалар учун мўлжалланган нашрга хос бўлмаган, қолаверса, ярашмайдиган усул қўлланилган ҳолатлар мавжуд, яъни А-4 форматда, 16 саҳифада чоп этилаётган газетанинг деярли ҳар бир саҳифасида насроний динига оид китобларда ифодаланган — жажжи камончалардан ўқ отиб, одамлар юрагида ишқ ўтини ёқувчи фаришталар расми берилган. Маълумки, бу фаришталар махсус адабиётларда юзлари лўппи, сочлари жингалак, ширинтой болакайлар қиёфасида акс этади. Ушбу фаришталар расмидан болалар нашрида фойдаланишнинг ноқулай жиҳати шундаки, севги-муҳаббат маъбудасининг элчилари ҳисобланмиш ўша "камонотарлар" ҳамиша ...кўйлагу иштонсиз, яъни яланғоч ҳолатда жажжи қанотчалари ёрдамида учиб юрган ҳолда тасвирланади. "Nihol-Rostok"нинг деярли ҳар бир саҳифаси айнан ўша иштончаси йўқ фаришталар билан "безатилган".

Бундан ташқари, газетанинг номи унинг турли саҳифаларида турлича қайд этилгани ҳам ажабланарли: 1-саҳифанинг ўзидаёқ икки хил — «Rostok-Nihol» ва «Nihol» деб, 15-саҳифада эса "Nihol-Rostok" деб кўрсатилган. Бинобарин, гап шу нашр хусусида бўлгач, бундай ҳолатларга ҳам тўхталиш ўринли бўлса керак.

"Nihol-Rostok"нинг кўчирмакашлиги масаласига келсак, юқорида келтирилган мисоллар газетанинг борйўғи иккита сонини варақлаб аниқланган холос. Балки, бу нашр ижодкорлари "Mahalla"дан ва бошқа нашрлардан мақолаларни ҳамон бемалол кўчириб ёки ўзлаштириб чоп қилишаётгандир. "Nihol-Rostok"нинг бундан кейинги сонларини тополсак, яна кўрамизда. Балки болалар нашри ижодкорлари бу қилмишларини болаларча "шўхлик"ка йўйган бўлиб чиқар?..

Мавлуда ҚОСИМОВА

Утерянный гос. ордер №07-02/4687 выданный в Хамзинским р-не 01.02.1993 году о праве собственности на квартиру на имя Юнусова Нурилла Абдуллаевича считать недействительным.

Решением Наблюдательного Совета ОАО "ТашОР" Общество с Ограниченной Ответственностью "FAROAT" — ликвидируется. (Код ОКПО 18191791)

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации по тел: 283-10-59

Утерянный аттестат о среднем образовании АО №226883 выданный школой №10 города Бекабада в 1995 году на имя Гуламовой Нурхон Анваровны считать недействительным.

Изоҳга ҳожат йўқ



А.ҲАКИМОВ чизган расм.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:

Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Ҳатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 31 октябрь 44 (594)

11088 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-920 Топширилди — 22.40
2 3 4 5 6